



Бу янгиланмайдиган архив саҳифа.

[Саҳифаларни архивлаштириш борасида маълумот \(инглиз тилида\)](#)

'Ўзбекистон қийноқларни расман тан олмагунча аҳвол ўзгармайди'

Сўнги янгилаш 16 ноябр 2012 - 17:24 GMT

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)



ЕБРРнинг 2003 йил Тошкентдаги йиғилишида Президент Ислом Каримовдан қийноқларни қоралаш талаб қилинганди.

Таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси "Ўтюралар Клуби" асосчиси Мўтабар Тожибоевнинг айтишича, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатдаги систематик қийноқларга оид ички сиёсатини ўзгартирмас экан, Ўзбекистонда қийноқ ҳоллари камайишини кутиб бўлмайд.

Тожикистонда икки полиция зобити устидан қўзғатилган жиноят иши терговга тугатилиб, маҳкамага оширилган.

Тожикистон Жиноят Кодексига 2012 йил мартда махсус қийноқ банди киритилган.

Икки ой аввал ўспиринни калтаклагани учун бир полициячи 7 йилга озодликдан маҳрум этилганди.

Қийноқлар мунтазам қўлланилади, деб таърифланган Ўзбекистонда эса атиги 2-3 иш маҳкамагача етиб борган.

Тергов остидаги инсонлар ўлимига сабабчи, дея кўрилган Тошкентнинг собиқ Собир Раҳимов тумани милиционерлари ва Фарғона вилоят Миллий Хавфсизлик хизмати ходимлари қийноқ қўллаганлари учун жавобгарликка тортилганлар.

Шунингдек, тошкентлик милиционерларнинг Райҳон Соатованинг номусига тажовуз қилганлари жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига тушган.

Бундан роппа-роса 10 йил илгари - 2002 йил ноябрида Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен

Ўзбекистонга борган, 2003 йил баҳорда ўз ҳисоботини эълон қилган эди.

Тео ван Бовен Ўзбекистонда қийноқлар систематик қўлланади, деб айтган.

БМТ махсус маърузачиси ҳисоботидан кейин Ўзбекистон ҳукумати қийноқларга қарши махсус дастур қабул қилганини эълон қилган, бироқ ўша дастурдан кейин ўтган 10 йилда ҳам вазият ўзгармаганини айтишади фаоллар.

2003 йил майда Оврўпо Тикланиш ва Тараққиёт банки ўзининг йиллик мажлисини Тошкентда ўтказган, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қийноқларни расман қоралаш талаб қилинган эди.

Аммо Ўзбекистон телевидениеси тўғридан-тўғри эфирга узатган ЕБРР раҳбарлари мажлисининг очилиш маросимида Президент Каримов қийноқларни қоралашдан воз кечган эди.

Оврўпо банкининг ўша пайтдаги раиси, Британия Тараққиёт вазири Клер Шортнинг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига доир сўзлари Президент Каримовни ғазаблантирган, у инглиз тилидан рус тилига таржимоннинг овози келаётган қулоғидаги наушникни олиб ташлаган эди.

Шу йил мартда БМТнинг қийноқлар бўйича собиқ махсус маърузачиси Тео ван Бовен, Ўзбекистондаги қийноқлар вазияти учун Президент Ислом Каримовни жавобгарликка тортиш керак, деб чиқди.

Бугунги кунда Францияда истиқомат қилаётган таниқли инсон ҳуқуқлари фаоли Мўтабар Тожибоевнинг айтишича, Ўзбекистонда қийноқлар "давлат сиёсатига айланрилган.

Ўзбек милицияси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари қийноқларни қўллаш йўли билан айбсиз инсонларнинг жиноят содир этгани ҳақидаги иқдорликларини қўлга киритишади.

"Диний экстремизм нима, терроризм нима эканини билмайдиган, давлатга қарши чиқиш нималигини тушунмайдиган инсонлар Ўзбекистонда диний экстремизм, диний терроризм моддалари билан айбланиб оммавий қамалишлари одадий ҳолга айланганини ҳаммамиз биламиз. Бу қилаётган кирдикорларини Ўзбекистон ҳукумати терроризмга қарши кураш деб кўрсади ва халқаро терроризмга қарши курашдаги шерикларининг қўллаб-қувватловини қўлга киритиш учун ҳам диний эътиқоди мустаҳкам инсонларни оммавий қамайди", дейди Мўтабар Тожибоева.

[бу ерга босинг Мўтабар Тожибоева билан суҳбат](#)

Ўзбекистонда шу пайтгача ҳам милициянинг давлатдаги мақомини белгилаб бермаган қонун қабул қилинмаган.

Бугун айрим инсон ҳақлари фаоллари Октябр инқилобига аналган номи - "миршабхона" деб атайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг номи милиция бўлиши керакми ёки полиция, буни ҳатто Ўзбекистон парламентининг икки палатаси вакиллари ҳам билишмайди.

Ҳуқуқ фаолларига кўра, ушбу ҳолат ҳам милицияни амалда жавобгарликдан озод қилади.

Азиз Ўқувчи!

Би-би-си Ўзбек хизмати Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизга ҳам ўрин беради.

Саҳифамиздаги Ҳар бир хабар, аудио-видео материаллар, суратлар ва барча мавзуларга доир фикрларингизни махсус формадан фойдаланиб бизга йўллашингиз мумкин.

Шунингдек, uzbek@bbc.co.uk электрон почтамызга мактуб ёзинг.

Биз ва дунё бўйлаб ўқувчиларимиз билан ўз ҳикояларингиз, суратлар ҳамда аудио-видео материалларингизни баҳам кўринг.

Би-би-си мактубларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

[бу ерга босинг](#) [Бош саҳифага қайтиш](#)

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)

Биз билан боғланинг

* Тўлдириш шарт бўлган жойлар

Сизнинг муносабатингиз:

Сиз билан боғланиш учун контакт деталлари:

Исм-шариф: Шаҳар: Email: * Телефон:

Сизнинг номангиз:

Шарҳ * (Кўпи билан 500 белги)

Рад этиш:

Мен дастур тайёрловчиларнинг мен билан боғланишларига розиман

[Юбориш](#) [Қайта ёзиш](#)

Ушбу мавзуга оид кўпроқ материаллар

Яна ушбу мавзуга оид

[Тео Ван Бовен: "Ўзбекистондаги қийноқлар учун президент Каримов жавобгарликка тортилиши керак"](#)

20.03.12

[Собиқ маҳбус: "Ўзбекистон қамоқхоналарида "ёлланма қийноқ қўлловчилар" ҳақиқатан ҳам бор"Тинглаш04:12](#)

04.11.11

[Нега Ўзбекистонда диндорлар ҳибсларининг тўлқини тўхтамаяпти?](#)

11.11.12

["Противогаз билан қийноқ усуллари Ўзбекистонда кенг тарқалган"](#)

15.08.12

["Қийноқлардан шикоят қилганимдан сўнг укамни ўлдириб беришди"Тинглаш03:34](#)

13.12.11

Аудио

[Санжар Умаров Ўзбек қамоқхоналарида нималарни кўрганди?](#)

19.05.11

["Қалтакнинг зўридан ичида темир пружинаси бўлган дубинкалар синиб кетарди..."](#)

10.12.10

Алоқадор мавзулар

[Ўзбекистон](#),

[Инсон ҳуқуқлари](#),

[жиноят](#)


Видео ва аудио




[Туркия, Туркия - 'азамат ўлка'!](#)



[Номаълум асирлар тарихи-видео](#) [Томоша қилиш07:29](#)



["Талаба йигит пешонамга ватан хоини деб ёзиб қўйганди" Томоша қилиш11:41](#)



['Хуррият 2014': 'Ватандан йироқда туриб ҳам унда яшаш мумкин'](#) [Томоша қилиш07:17](#)



[Ғарб киночилари панжасига панжа ураётган ўзбек қизи](#) [Томоша қилиш07:50](#)



[Афғонистон ўзбеклари мусиқаси Парижда](#) [Томоша қилиш07:14](#)



[Фарғона тонг отгунча...](#) [Томоша қилиш17:45](#)



[Бу дунёнинг 'қилқўприги' қаерда?](#) [Томоша қилиш01:57](#)



[Нимага эришдик? Тунислик рэппер инқилобни савол остига олади](#) [Томоша қилиш04:04](#)



[Эркин Аъзам бугунги ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида](#) [Томоша қилиш05:20](#)



[Икки қатағон анатомияси: Шукрулло ва М.Маҳмудов](#) [Томоша қилиш18:02](#)



[Куръони Карим маънолари ўзбек тилига шеърий таржима қилинди](#) [Томоша қилиш17:23](#)



[М.Маҳмудов: Қамоқда мени ёзувчилигим асраб қолди](#) [Томоша қилиш04:51](#)



[Тожиклар нега Хитойга юзланишмоқда?](#) [Томоша қилиш01:45](#)



[Аёл, аҳволинг қандай? Би-би-си лойиҳаси](#) [Томоша қилиш02:56](#)



[Бойга боққан бозор ё ялтир-юлтирлар дунёси](#) [Томоша қилиш02:29](#)



[Бир миллион долларни осмондан сочишди](#) [Томоша қилиш00:49](#)



[Видео: Татуировканинг маъноси борми?](#) [Томоша қилиш05:41](#)

Муҳаррир танлови



[Осиё Ўйинлари: Фалаба онлари](#)



[Ўзбек ҳукумати четга чиққанлардан воз кечишга тайёр](#)

[Тинглаш11:50](#)

[Гулнора Каримованинг вакили: 'Ўзбекистонда қонунлар ишламаяпти'](#)



[BBCUzbek веб-сайти ўзгарди](#)



[Хомид Карзайнинг ўтган 13 йиллик бошқарув даври суратларда](#)



[Бош прокуратура: 'Г.Каримова ишининг Оврўподаги текширувга алоқаси йўқ'](#)

[Муҳолифатчи аёли: "Мени ўзбек фуқаролигидан чиқариб юборишибди"](#)



[Тинглаш03:52](#)



[Исломиё партия: 'туҳмат' кампаниясидан азиятдамиз](#)

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

[Би-би-си Ўзбек Facebookда](#)

[Like](#)

[Би-би-си Ўзбек Twitterда](#)

[Follow](#)

[Би-би-си Ўзбек YouTubeда](#)

[Обуна бўлинг](#)

[Би-би-си Ўзбек Мой мирда](#)

[Like](#)

[Бош саҳифа](#)

[Ўзбекистон](#)

[Минтақа](#)

[Дунё](#)

[Мултимедиа](#)

[Спорт](#)

[Фан ва Маданият](#)

[Махсус лойиҳа](#)

[Lotinda](#)

[اڤغانستان](#)

Хизматлар

[RSS](#)

[Мобил Телефонлар](#)

[E-MAIL ЯНГИЛИКЛАР](#)

[Сизнинг ижодингиз](#)

Бошқа Би-би-си сайтлари

[BBC Russian](#)

[BBC Azeri](#)

[BBC Kyrgyz](#)

[BBC Turkish](#)

[BBC Tajik](#)



[Mobil versiyasi](#)

[Foydalanish shartlari](#)
[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[BBC haqida](#)
[Saytga kirish yordami](#)
[Би-би-си билан уланинг](#)